# ЗБИГНЕВ БЖЕЗИНСКИЙНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан учрашувда минтақавий хавфсизлик масалалари, хусусан, Афғонистондаги вазият борасида фикр алмашилди.

Ташрифнинг иккинчи куни америкалик меҳмон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов билан учрашди. Музокарада Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги парламентлараро алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлиги таъкидланиб, истиқболда мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада жадаллаштириш лозимлиги таъкидланди. Томонлар, шунингдек, қонунчилик, давлатларимиз ўртасидаги ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга оширишда ўзаро тажриба алмашишни кенг йўлга қўйиш хусусида ҳам фикрлашди.

Улкан сиёсий тажрибага эга бўлган З.Бжезинский нафақат демократик партия, балки республикачилардан чиққан АҚШ президентлари билан ҳам ишлаган. 1977-1981 йилларда у АҚШнинг ўша вақтдаги президенти Жимми Картернинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича масалаҳатчиси лавозимида фаолият юритган.

З.Бжезинский геосиёсат соҳасида дунёдаги энг кучли мутахассислардан бири саналади. У биринчилардан бўлиб Ўзбекистон билан ҳамкорлик АҚШ манфаатлари учун стратегик муҳим аҳамият касб этишини концептуал асослаб берган эди. Ҳозир З.Бжезинский янги мустақил давлатларнинг ташқи дунё билан муносабатлари ҳамда жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашув масалалари борасида ишламоқда.

Меҳмон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашиб, долзарб халқаро мавзуларда маърузa қилди. Университетга ташрифи чоғида З.Бжезинскийга мазкур билим масканининг Фахрий доктори унвони берилди.

# Ҳашар — элга ярашар

Шанба куни "Экосан" халқаро жамғармаси ташаббуси билан мамлакатимизда экологик ҳашар бўлиб ўтди. Қарийб 8 миллион киши иштирок этган ушбу тадбирдан тушадиган маблағ Оролбўйи оналари ва болаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, минтақадаги гуманитар лойиҳаларни амалга оширишга сарфланади. Пойтахтимиздаги Ботаника боғида ўтказилган ҳашарда эса, анъанага кўра ёзувчилар, шоирлар, олимлар, санъаткорлар, дипломатлар ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди.

**Мавжуда ТОЖИБОЙ қизи.**

*Конимех туманидаги «Сарибел» ширкат хўжалигида дунёга машҳур «Меха Сибири» компанияси билан ҳамкорликда янги қўшма корхона иш бошлади.*

## Новосибирскда «Сарибел» савдо уйи

**Эндиликда туман қоракўлчилари ўз маҳсулотларини арзон нархларда тижоратчи-ю, олибсотарларга бериб юборишмайди. «Сарибел — Диамет» корхонасида барча турдаги қоракўл териларни қабул қилиш имконияти бор.**

**Пухта ошланган терилар хўжаликнинг Новосибирскдаги савдо уйи орқали сотувга чиқарилади. Нархи қоракўлчиларга маъқул. Исташса ёғоч, металл, қувур ва бошқа маҳсулотларни ўзаро айирбош қилишлари ҳам мумкин.**

**Қўшма корхона иккала томон учун ҳам манфаат келтира бошлади.**

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Бухоролик математиклар Лос-Анжелесда

**Лос-Анжелесда етмиш мамлакатнинг забардаст математиклари иштирокида «Компьютер техникаси таҳлили ва базаги операторлари» мавзуида ўтказилган халқаро анжуманда бухоролик Анвар Қобулов ва Саид Қурбонов ҳам қатнашди.**

**МДҲ давлатларидан фақат Ўзбекистон ва Россия Федерациясининг Стеклов номидаги математика институти вакиллари қатнашган беш кунлик анжуманда жаҳон олимлари «дизайн автомейшн» муаммосини ўрганишди.**

**«Туркистон-пресс»**

# Экологик маданият — ҳаёт талаби



Бугунга келиб табиат, атроф муҳит муҳофазаси, халқаро миқёсдаги мўътабар ташкилотларнинг маълумотига қараганда, бамисоли тинчлик, осойишталикни сақлашдай долзарб муаммо қаторида яна бир муаммога айланмоқда.

Собиқ совет тузуми шароитида, айниқса, чет республикаларда экологик муаммолар кучайди. Жумладан, Ўзбекистонда ер химикатлар билан заҳарланди, Орол денгизи ҳалокатга юз тутди, Тожикистоннинг алюминий заводи республикамизнинг айрим жанубий туманларига келтираётган зарар ўша йилларда бошланди.

Фақат мустақиллик Ватанимиздаги аҳволни тўғри баҳолаш ва муаммоларни ҳал этишга имконият яратди. Жумладан, экология, меҳнатни муҳофазалаш масалалари давлат миқёсидаги муҳим вазифалар қаторига кирди. Бу борада бир қатор муҳим давлат қонунлари қабул қилинди. Президентимизнинг шахсан ўзлари мамлакатда экологик маданиятни ривожлантиришга, Орол денгизи атрофидаги муҳитни яхшилашга катта эътибор кўрсатмоқда ва бу муаммога халқаро ҳамжамият диққатини қаратмоқдалар.

Мен шу фан йўналишларининг бир заҳматкашиман. Совет даврида табиат ва меҳнат муҳофазасига бағишланган китобим бизда чиқмай, Ал-Жазоир шаҳрида француз тилида чиққан эди. Мустақиллик йилларида эса бира-тўласига экология ва меҳнат муҳофазасига бағишланган икки китобим «Ўқитувчи» ва «Ўзбекистон» нашриётларида чоп этилди. 2002-2003 ўқув йилида фан докторлиги илмий ишини ҳимоя қилдим.

Айнан мустақиллик йилларида мен ишлаётган Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтидаги «Меҳнат муҳофазаси» кафедраси янада равнақ топди. Кафедрада экологик муаммолар билан шуғулланадиган олимлар пайдо бўлди. Бу кафедра 2002-2003 ўқув йили якунларига кўра намунали кафедралар қаторига кирди. Ўқитувчиларимиз Давлат илмий-техник марказига «Экологик тоза пахта заводи» мавзусини тавсия этиб, 6 миллион сўмлик грантни ютди. Чунки бу масала ҳозирги ишлаб чиқариш учун ўта долзарб. Грант бўйича фаолиятимизни муваффақиятли бошлаб, «Дўстлик» пахта тозалаш заводи билан 530 минг сўмлик хўжалик шартномасини тузиб, завод буюртмасига биноан чангли ҳавони тозалаш ускуналарини тайёрлаб, тақдим этдик. Бизнинг бу ишимиз пахта тозалаш заводида экологик муҳит ва меҳнат шароитини сезиларли даражада яхшилайди.

*Долзарб мавзу*

Биз экология ва меҳнат муҳофазаси мавзуларида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун дарсликлар яратиш устида ҳам қизғин ишламоқдамиз. Масалан, магистратура бўлими талабалари учун яратилган «Пахта тозалаш корхоналарида ташқи муҳитни муҳофаза қилиш» номли дарслик, республикамиздаги техникавий олий ўқув юртлари талабаларига ва умуман муҳандис-техник ходимларга мўлжалланган «Саноат экологияси» ўқув қўлланмаси ва касб-ҳунар коллежлари учун тайёрланган «Меҳнат муҳофазаси» дарслиги тегишли таълим муассасаларида ўқитилмоқда.

Ўтган ўқув йили давомида кафедрамиз илмий ишлари учун битта илмий патент ҳам олдик. Бундан албатта ҳурсандмиз.

Яна бир муҳим янгилик шуки, олимларимиз томонидан тайёрланган «Экология» фани бўйича электрон дарслик «Интернет»га киритилди. Бизнинг «Интернет»да ўз сайтимиз бор.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ушбу кафедраси республикадаги барча техник олий ўқув юртлари «Экология», «Меҳнатни муҳофаза қилиш» кафедралари учун таянч илмий кафедра ҳисобланади.

Экология, таъбир жоиз бўлса, барча фанларнинг онасидир. бундай билим билан боғча ёшидаги болалардан тортиб ҳамма мутахассислик эгалари қуролланиши керак. Ахир ўзингиз тасаввур қилинг, талабалар олий ўқув юртини битириб ишлаб чиқаришга боради, улар корхонада раҳбар, бош муҳандис ёки камида цех бошлиғи бўлиб ишлайдилар. Мобода бу мутахассисларда экологик билим, меҳнат муҳофазасини илмий асосда ташкил этиш бўйича малака бўлмаса, улар ишлаётган корхона ёки цехда ҳеч қачон замонавий меҳнат фаолияти бўлмайди. Хуллас, ёшларимиз баркамол авлод бўлишлари учун, жумладан, чуқур экологик маданиятли бўлишлари ҳам керак. Экологик маданият кучли ривожланган мамлакатларда ҳаёт, турмуш ва ишлаб чиқариш маданияти ҳам бошқача бўлади.

Мамлакатимизда экология ва меҳнат муҳофазасига эътиборнинг ортиб бораётганлиги — яхшиликнинг аломати. Демак, биз экологик ва меҳнат маданияти сари бораяпмиз. Шу йўлда мустаҳкам бўлсак, ҳаётимиз ва эл саломатлиги тобора яхшиланиб, иқтисодиётимизнинг эса самарадорлиги ошиб бораверади.

**Очил ҚУДРАТОВ, техника фанлари доктори, профессор.**

*Ўз ҳуқуқини билган одам ўз қадр-қимматини ҳам билади. Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган ҳужжатлар билан таништириш борасида Қоровулбозор прокуратураси ходимлари ибратли ишларни амалга ошираётирлар. Айни кунларда туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Аҳмаджон Тоғаев тумандаги маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда, мактаблар, ўқув муассасаларида бўлиб турли мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказаётир.*




**СУРАТДА: туман прокурори Аҳмаджон Тоғаев Қоровулбозор саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи талабалари билан Конституциямиз ҳақида суҳбат ўтказаётган пайти акс эттирилган.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Хабарлар оқимидан*

## Қораўзакликлар зафари

Қораўзак тумани пахтакорлари Қорақалпоғистон Республикасида биринчи бўлиб пахта топшириш шартнома режасини бажарди. Топширилган хом ашёнинг катта қисми фермерлар ҳиссасига тўғри келди. Бу юксак хирмонда «Қашириқали», «Қуролпа» ширкат хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлди. «Қоракўл» фермерлар уюшмасининг ҳиссаси эса 880 тоннани ташкил этди.

Туманда пахта йиғим терими давом этмоқда.

**ЯнгибойҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Жомбой — илғорлар сафида

Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани пахтакорлари ҳам пахта сотиш юзасидан белгиланган давлат буюртмасини ошиғи билан адо этдилар. Қабул пунктларига 15 минг тоннадан ортиқ сифатли хом ашё етказиб берилди.

Ялпи ҳосилнинг 9800 тоннага яқини ширкат хўжаликлари, 5200 тоннадан ортиғи эса фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Санъаткорлар пахтакорлар ҳузурида

(Давоми. Боши 1-бетда).

нинг севимли санъаткорлари Ўзбекистон халқ артистлари Х. Олимжонов, О. Саидбурхонов, хизмат кўрсатган артистлар Б. Маматхонов, М. Бойматова ва бошқаларнинг дала шийпонларидаги чиқишларини пахтакорлар меҳр билан қарши олмоқдалар.

Бухоролик санъаткорлар ҳам пахта-йиғим терими авж паллага кирган шу кунларда пахтакорларнинг чинакам мададкорларига айланишган. Айниқса, Ромитан туманидаги "Оромитан" ашула ва рақс жамоаси, Пешку туманидаги "Наво", Жондор туманидаги "Дилдор" халқ ашула ва рақс дасталарининг саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовор. Улар вилоят пахта далаларида меҳнат қилаётган пахтакорлар, ҳашарчилар ҳузурида бўлишиб, театрлаштирилган кўнгилочар томошаларни намойиш этишмоқда.

Фарғоналиклар Шерқўзиевлар оилавий дастасини яхши билишади. Бугун улар вилоятнинг Учкўприк, Данғара, Бувайда туманлари пахтакорлари ва пахтакорга мададкор бўлган ҳашарчилар кўнглига илиқлик олиб киришни ният қилганлар. Ю. Шакаржонов номидаги вилоят театрининг аҳил ва ижодкор жамоаси ҳам пахтакорлар ҳузурида ўз репертуарларини намойиш этишмоқда. Жозибали куй-қўшиқлар, аския кечалари пахтакорларга манзур бўламоқда.

Айни кунларда Маданият ишлари вазирлиги "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб-чиқариш бирлашмаси ҳузурида ташкил этилган "Ёш артист" ижодкор ёшлар маркази аъзолари ҳам таниқли санъаткорлар билан ҳамкорликда пахтакорлар учун махсус бадиий дастур тайёрладилар. Мазкур дастурга асосан, улар мамлакатимизнинг бир неча туманларида чиқиш қилмоқдалар. Ўзларининг севимли санъаткорлари билан учрашиш, ҳамсуҳбат бўлиш, улар билан пахта териш пахтакорларга завқ-шавқ бағишлаши шубҳасиз.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА, "Халқ сўзи" мухбири.**

*Муҳокама учун мавзу*

# Деҳқончилик — касб эмас, ҳунар



***"Сўрашибди:***
***- Олтиариқликлар нега четга қиз бермайди?***
***Жавоб берибди:***
***-Бодринг, узум, турп етиштириш сирларини сотиб қўймасин, дейишадида!***
***Яна сўрашибди:***
***-Четдан қиз ҳам олишмас экан?..***
***Жавоб бўлибди:***
***-Деҳқончиликни билмагани учун четдан қиз олишмайди".***

(Анвар Обиджонинг "Олтиариқ ҳангомалари"-дан)

*Олтиариқликларга тан бермай иложингиз йўқ: чилги ҳосиллари - бодринг билан деҳқончиликларини бошлашади. Ёзда етиштирган узумлари баҳоргача дастурхонимизни безайди. Турпни қиши билан эрмакка сотишиб, чой пули қилишади. Энг асосийси, ана шу меҳнатлар боис халқ тўқ. Оиласидан орттириб, данғиллама тўй қилаётган, ўз ҳисобидан мактаб, боғча, масжид, чойхона, тўйхона қуриб бераётганлар бисёр.Аммо суви бир, ҳавоси бир ерлари Олтиариқ билан туташиб, чатишиб кетган қатор қўшни туманларнинг ерларида гўё ҳосил «битмайди», «етишмайди»,«унмайди.» Бунинг сабаби нимада? Гап ердами, сувдами, ҳаводами ёки одамларда?*

*Ушбу саволларга жавоб топиш ниятида оддий деҳқонлар - олтиариқлик Мақсудали Акбаров ва бағдодлик Холиқжон Юсуповлар кўнглига қўл солдик.*

—Анваржон хўп топиб айтган,- дея гап бошлади Мақсудали ҳожи.— Биз бутун оила бўлиб деҳқончилик қиламиз. Уч яшар бола дадаси қирққан узум новдаларини тўпласа, саксонга кирган оқсоқол ҳеч бўлмаганда уларни боғлаш билан машғул бўлади. Ҳамқишлоқларимнинг кун тартибини айтиб берайми? Эрталаб тўрт-бешларда узумига ёки бодрингига қарашни бошлайди: суғоради, хомток қилади, дорилайди, ўғит солади, жуда бўлмаганда тагини юмшатади. Етти бўлдими, чойини ичиб давлат ишига кетади. Беш-олтиларда хизматдан қайтиб, яна эски чориғини кийиб, қолган ишларини давом эттиради.

**— Ҳа, қиламан деганга ҳар куни, қишин-ёзин иш топилаверади.**

—Кейин бизда битта деҳқончилик қилинади: ё узум, ё бодринг-турп экилади. Чорбоғларимизда ҳам иккисидан бири бўлади. Ўрик, олма, анор, нок, борингки, жамики мева-чевани, помидор, қалампир, кўкат, сабзи, пиёз — ҳаммасини бозордан сотиб олишади.

**— Икки кеманинг боши тутилмас экан-да? Биз томондаги деҳқонларнинг чорбоғида юқорида санаганларингизнинг ҳаммаси бўлади. Фақат даромад бўлмайди.**

— Ўзингиз айтиб турибсиз: икки кема деб. Сизлар бирйўла беш-олтита кеманинг бошини тутасизлар-у, даромад бўлармиди! Ғўза дейсизми, узум, ўрик, помидор, қалампир дейсизми, борингки, жамики экинлар ҳам тирик жон эканлигини унутмаслик керак. Олтиариқликлар бодринг, узум, турпни фарзандларидай кўришади, тарбиялашади, вояга етказишади, сўнг мевасини — ҳузур-ҳаловатини кўришади. Улар ўғлига уй-жой қуриб бермасликлари мумкин, аммо албатта узумзор қилиб беришади.

**— Биздаям чорбоғининг ҳаммасига бир хил нарса экканлар бўлади. Аммо битта-иккитаникини ҳисобга олмаганда, аксариятидан ,,Сабзи эккандим, ҳаво ёмон келиб яхши бўлмади, картошка чириб кетди" деган гапларни кўп эшитамиз.**

— Мениям қулоғимга, "Палон центнердан пахта етиштирмоқчи эдик, об-ҳавонинг паст келиши оқибатида пахта пишмади, керакли ҳосил битмади, буғдойга ел тушиб ҳосил бўлмади" деган гаплар чалиниб туради. Аммо "Олтиариқда узум бўлмабди, бодринг унмабди" деган гапни эшитмагансиз, тўғрими? Чунки ҳосил ўзи битмайди, пишмайди — етиштирилади, пиширилади! Аниқроғи, асл деҳқон "битмади", "бўлмади", "пишмади", демайди. "Қўлимдан келмади, тажрибам етмади, бўлдиролмадим, ундиролмадим, етиштиролмадим", дейди мардона. Яна айримлар "Об-ҳаво қийинчиликларини мардонаворлик билан енгиб..." дегандай гапларни айтишади, кулгим келади. Об-ҳаво деҳқон билан келишмайди, деҳқон об-ҳаво билан келишади, курашади — ана шу курашда енгиб чиққани деҳқон аталади.

**—Тўғри, экиш, суғориш, ўғит солиш ҳар кимниям қўлидан келади. Асл деҳқон об-ҳаво, ер билан сирлашади, кейин экинининг қалбига қулоқ солади, дардини эшитади, бу дардга дармон бўлади. "Ҳаво ундай келди, бундай келди" дейиш — баҳона. Бир йили эрта баҳорда, "Қиров тушяпти, узумни совуқ уриши мумкин", деб бутун олтиариқликларнинг туни билан тезак, хашак тутатиб чиқишганига гувоҳ бўлгандим.**

— Э, сиз бирига гувоҳ бўлибсиз. Керак бўлса, ҳафталаб туну кун ухламай хашак тутатиб, "боламиз" — узум тепасида ухламай ўтириб чиққан кунларимиз бўлган: "Совуқ урмадимикан, иситма чиқмаяптими, "боши", "қорни" оғримаяптими?.." Сизга лофдай кўринар-у, бир танишим бор, у ҳовлисидаги ҳамма узумига феъл-атворига қараб исм қўйиб чиққан: "Нозикой", "Сотиболди", "Тўполончи", "Ортиқвой", "Қўрбоши", "Уятчан"... Тунов куни набирасига буюраяпти: "Ортиқвой" яна бачкилабди, олиб ташлаш керак. "Қўрбоши"нинг новдаларидан қирқмасанг, эси кирмайди шекилли, яна қўшни томонга бўй чўзибди".

**— Қойил. Бунақа эътибор, парваришдан кейин бир нарса битади-да.**

— Деҳқончилик экинни баҳорда экиб, кузда йиғиштириб олишдан иборат эмас. Йил — ўн икки ой, туну кун меҳнат талаб қиладиган иш.

**— Биз томонларда ҳам узум битадими?**

— Битмайди.

**— Нега?**

— Узум олдин экилади, ундан кейин битади-да. Аввал сизлар узум экинглар.

**— Экканлар бор, аммо...**

— Гапларимга хафа бўлманг-у, узум терак эмас, экиб қўйган билан бўлавермайди.

**— Бизам узумни экамиз, кесамиз, хомток қиламиз... Минг қараганимиз билан кузга бориб узумлар чириб кетаверади-дя...**

— "Минг" деб ошириб юбордингиз, биродар. Тўғри, эрта баҳорда экасизлар, аммо бир марта ортиқча новдаларини кесасизлар, бир марта хомток қиласизлар, шу билан бўлди, қараганларинг шу, тўғрими? Бизда эса қишин-ёзин одамларимизнинг бир оёқлари ерда бўлса, бир оёқлари узумнинг тепасида бўлади. Икки марта кесилади, тўрт-беш марта, керак бўлса олти-етти марта хомток қилинади, чилла суви, гул суви, остига ўғит кўмилиб ҳафтада бир ўғит суви берилади. Новдага нам келгач, сув умуман тўхтатилади. Ҳар ёмғирдан кейин ювилади, дори-дармон сепилади. Умуман бир бош узумда қанча дона бўлса, билингки, бу бошга шунча марта деҳқоннинг қўли теккан, меҳри синган.

**— Биз томонларни "Шамол йўли" дейишади?..**

—Шамолнинг оғзи, дарвозаси бўлган Бешариққа қизим тушган. Ҳовлисидаги узумни ҳавасга томоша қиласиз. Узоққа бормайлик, биздан сизлар томонга тушган келин бор. Тўғриси, камбағалгина оилага келин бўлганди. Дастлабки йиллари ерга узумнинг новдаларини суқиб қўйиб, бодринг, турп етиштиришни йўлга қўйди. Ниҳоллари мевага киргач, узумчиликка зўр берди. Ҳозир ана шу хонадон Бағдоднинг энг олди хонадонларидан саналади. Бундан, "Бой бўламан десанг, Олтиариқдан келин қилинг", деган маъно келиб чиқмасин. Деҳқончиликка зўр бериш керак, демоқчиман. Кўнглингизга олманг-у, анчагина дангасаликларинг бор. Гўё бу ёқдан эксаларинг, эртасига ҳосил — аниқроғи пул ундириб олаверсаларинг. Деҳқончилик бир йиллик нарса эмас, ахир.

**— Сиз ҳақсиз, ота-боболаримизнинг деҳқончилик илмини умуман унутганмиз. Бир замонлар гектар-гектар узумзорлар, боғлар бўларди. Ўн сотих томорқасига экин экиб, бир йилда машина олганларни биламан. Аммо кейинчалик кўпчилик қоғозга, аниқроғи, буйруққа қараб деҳқончилик қилишга ўтиб кетишган. "Палон куни экишни бошлаш, палон куни тугатиш лозим. Пистон куни йиғиштиришни бошлаш, палон тоннадан ҳосил олиш, пистон кунга режани бажариш керак", дейдиган сунъий деҳқонлар кўпайди. Шўролар даврида эди бунақа буйруқбозликлар, ўзим бригадир бўлиб ишлаганман, биламан. Мустақил бўлганимизга бир мучал бўлди, лекин ҳалиям ўша даврдаги бўл-бўл, қани-қанилардан қутулолмаяпмиз. Баҳорда ернинг, об-ҳавонинг гапига қулоқ солмай, "Экинни биринчи бўлиб тугатишимиз керак, қани бўл, эк! Эк!" дея неча миллиардларни ҳавога совуряпмиз. 3-4 мартадан чигит экяпмиз. Ҳақиқий деҳқонлар билан умуман маслаҳатлашмай қўйилди. Сиз айтгандай, экинни парваришлаш ҳам болани тарбиялашдай гап эканлигини унутдик. Болани буйруқ билан тарбиялаб бўлмаслигини ҳаммамиз биламиз-ку! Меҳр керак.**

—Ўлманг. Деҳқончилик — ҳунар. Баҳорда кўм-кўм бўлиб чиққан бодринг, олтиндай товланувчи узум қайси санъат асаридан кам? Аммо деҳқончиликни касб ҳисобловчи одам олмага тушган қуртдан фарқ қилмайди.

**— Даромад бўлмаяпти, деб кейинги пайтларда берилган ерлар умуман ўз ҳолига ташлаб қўйилди, кўпчилигига экин экилмайди ҳам. Аниқроғи, улуғ неъмат — ер увол бўлмоқда.**



— Яшанг. Даромад бўлади, ризқ битади. Фақат атрофдаги кўплаб туманларимизда ер ва об-ҳаво билан ҳисоблашмай, аниқроғи, бозорга қараб, деҳқончилик қилишга ўтиб кетилган. Тамаки пул экан: деб ёппасига тамаки экилди. Ҳаммаёқни тамаки босиб, тамаки, меҳнат бир пул бўлди. Кейин ёппасига картошка экишга ўтилди. Картошкалар омборларда чириб битди. Энг ёмони, деҳқонлар бир-бирини синдиришга ҳаракат қилишди. "Ҳов, палончидан олдин сотиб олай!" дея бир-бирининг бозорини касод қилишди.

**— Яна ўша сўзлар такрорланади: "бўлмади", "битмади"... Маккажўхори экиб қўйиб, юришаверади.**

—Тўғри. Бизда бирор нарса пишса, оқсоқоллар, миришкор деҳқонлар тўпланиб, "Бу йил узумимиз ёки бодрингимизнинг чўғи қандай? Ўғитга, дори-дармонга қанча сарф бўлди? Гўштнинг нархи неча сўм ҳозир? Маҳсулотимизни қанчадан сотсак, меҳнатимизни қоплайди? Неча сўм фойда кўрамиз?" деб маслаҳат қилишади. Ана ундан кейин фотиҳа ўқилиб, савдо бошланади. Меҳнатни қилгандан кейин ҳисоб-китобни ҳам билиш керак-да!

**— Ҳисоб-китоб билан меҳнат қилиб, даромадни ўз чорбоғидан топса ҳам бўлади дейсиз-да.**

—Биродар, "Ер — Оллоҳ томонидан бизга берган улуғ неъмат". Ана шу ернинг қадрига етишимиз, ҳар қаричидан унумли фойдаланишимиз биз учун фарз бўлиши керак. Қолаверса, "Ўз уйинг — ўлан тўшагинг", "Қўлдан берганга қуш тўймас", "Нима эксанг — шуни ўрасан" каби халқимизнинг бирбиридан ҳикматли мақоллари бор. Ана шуларнинг мағзини чақиб, уларга амал қилиб яшасак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

**Мана, икки деҳқоннинг мулоҳазаларини эшитдик. Балки бу фикрлар билан баҳслашгингиз келар? Кимдир "Ошириб юборибди" деб қўяр? Қандай хулоса чиқариш ихтиёрий. Аммо бу мулоҳазалар яна кимнидир атрофлича ўйлаб кўришга, кўнглидан кечаётган туйғуларини ўртоқлашишга ундар, деган ниятда уларни сизларнинг ҳукмингизга ҳавола этдик. Сиз нима дейсиз?**

**Саид АНВАР, "Халқ сўзи" мухбири.**

## ШОИРЛАРНИНГ САРДОРИ ЭДИ...

Доғистон халқининг атоқли шоири, ўзбек тилига ўгирилган минглаб ажойиб мисралари билан халқимизнинг ҳам улкан меҳрини қозонган Расул Ҳамзатов вафот этди. У одатдаги йиллик тиббий кўрикдан ўтиш учун Москвага борган ва бугун-эрта шифокорлардан жавоб олиб, юртига қайтишни мўлжаллаётганди. Лекин кутилмаганда шоир ҳаёт билан видолашди.

Сентябрь ойида Расул Ҳамзатовнинг 80 йиллик юбилейи кенг нишонланган эди. Ватани Доғистонда эса 2003 йил Расул Ҳамзатов йили деб эълон қилинганди.

Қалам тебратиш бобида етукликка эришган Расул Ҳамзатовнинг унвонлари, мукофотлари жуда кўп. Лекин улар орасида энг эъзозлиси халқ шоири деган эътирофдир. Юртимизда ҳам унинг чинакам халқона шеърлари кириб бормаган хонадон топилмаса керак.

Шоирнинг ҳаёти ҳам шеър эди, десак, асло муболаға бўлмайди.

**(ЎзА).**

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ

## Европа Иттифоқининг устувор йўналиши



Миланда ўтган ЕИга аъзо давлатлар таълим вазирларининг конференциясида шу ғоя маъқулланди. Вазирлар Европа ана шундай йўл танлаш орқали инсоният тараққиёти ва маданиятига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин деган хулосага келишди.

Анжуман сўнгида маъруза қилган ЕИ комиссари Вивиан Рединг ва Италия таълим вазири Летиция Моратти хоним Европанинг ижтимоий ҳамда иқтисодий ривожланиши таълим соҳасини қўллаб-қувватлашга боғлиқ эканлигини таъкидлашди. Уларнинг фикрича, ҳар қандай янги технологиялар беш йилда эскириб кетаяпти. Шунинг учун ҳам узлуксиз таълимга ўтиш зарур.

«Биз европаликларни узлуксиз таълим олишга ундай олишимиз керак, — деди Рединг. —Муаммо фақат маблағ масаласидагина эмас, балки уларнинг онгига шу ғояни сингдиришда ҳамдир».

Бундай шароитда Таълим вазирликлари Меҳнат вазирликлари билан ҳамкорликда ўз фаолиятларини мунтазам мувофиқлаштириб бориши керак.

Моратти ўз чиқишида айни пайтда Европада 45 миллион киши ишсиз эканлигини, уларнинг 60 фоизини аёллар ташкил этишини қайд этди. «Ҳозир таълим тизимида янги йўналишлар етишмаяпти. Ушбу йўналишларни амалга ошириш билан бирга, янги ижтимоий дастурларни ҳам ҳаётга татбиқ қилиш керак» — деди у.

Айтиш лозимки, ЕИ аъзолари 2000 йилда Лиссабонда «Европа 2010 йилда энг рақобатбардош ва билимли жамиятга айланади» деган ғояни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганди. Редингнинг айтишича, «Бу мақсад кўпроқ амалий эмас, балки назарийдир, лекин Европа давлатларида таълим соҳасида сўнгги икки йилда инқилобий ўзгаришлар амалга оширилди. Чунки илгари таълим концепциялари миллий манфаатларга хизмат қилган бўлса, эндиликда у умумевропавий бўлди. Биз бундан буён таълим тизимининг кучли томонлари ва етишмовчиликларини биргаликда аниқлаймиз ҳамда уларни мақбул ҳолатга келтиришга ҳаракат қиламиз».

Шунингдек, Рединг ва Моратти саноат корхоналари ҳам таълим ва илмий-тадқиқотларни маблағ билан таъминлашдан манфаатдор эканлигини билдиришди.

ФИАТ компанияси президенти Умберто Анъелли эса Европа комиссияси молиявий лойиҳалар соҳасида дунёда тўпланган бой тажрибаларни ўрганишда давом этиши ва келажаги бор дастурларни танлаб олиш керак деган ташаббусни илгари сурди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, таълим масаласи айни пайтда инсоният тараққиётининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Европа Иттифоқининг мазкур режаси эса ҳар қанча қўллаб-қувватлашга ва ўрганишга арзийдиган ташаббусдир.

**Салим ДОНИЁРОВ.**

# Паблик Рилейшнз — ахборот ортидаги манфаат

Паблик Рилейшнз институти Ғарбда узоқ йиллардан буён йирик ижтимоий-сиёсий механизм сифатида яшаб келмоқда. Гарчанд бу тушунчани биз яқин-яқиндан бошлаб истифода эта бошлаган бўлсак-да, паблик рилейшнз бўйича кўникмаларимиз жадал шаклланиб бораётганини кузатиш мумкин. Мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари журналистика факультетларида паблик рилейшнз бўйича махсус курслар ўқитилмоқда.

Ғарбда қисқача PR (Пи-Ар) деб аталадиган бу тушунча бизнинг тилимизда жамоатчилик билан алоқалар тарзида қўлланилмоқда. Бу алоқа — муайян бир мақсадга йўналтирилган амалдир. Яъниким, жамоатчилик билан алоқа, бу унинг фикри билан икки ёқлама боғланиш демакдир. Бир томондан омма фикрини ўрганиш ва таҳлил этиш, иккинчи томондан унга таъсир ўтказиш.

Соддароқ ифода этиш жоиз бўлса, бугун биз жамоатчилик билан алоқа деб таърифлаётган механизм бу табиатан тарғибот-ташвиқотнинг ўзгача бир шаклидир. Фақат ташвиқот бир қадар оддий ва очиқ амаллар воситасида қўлланилса, паблик рилейшнз кишибилмас усуллар орқали одамлар онгига таъсир кўрсатишни назарда тутади. Аслида Пи-Арда ахборот стратегиясининг ҳамма унсурини топиш мумкин: ташвиқот манипуляция, паблисити (реклама), ахборот менежменти ва ҳакозо. Бу амалларнинг барчаси бугунги кунда Пи-Ар тизимини ташкил этиб, у омма билан икки томонлама мулоқот ўрнатиш учун сафарбар этилмоқда.

Мутахассислар фикрича, Пи-Арнинг 500га яқин таърифи бор. Шундай таърифларнинг бирини Буюк Британияда 1948 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Жамоатчилик билан алоқалар институти мутахассислари келтиради: паблик рилейшнз — бу ташкилот билан жамоатчилик ўртасида дўстона муносабат ҳамда ўзаро англашув муҳитини яратиш ва уни сақлаб туришга хизмат қилувчи, илгаридан режалаштирилган, давомий саъй-ҳаракатдир.

Бундан ўзга таърифларда ҳам Пи-Арнинг у ёки бу томонига урғу берилади. Бу таърифларни жамлаб, шундай ифода этиш мумкин: Паблик Рилейшнз — ташкилот ва жамоатчилик ўртасида мулоқот, ўзаро англашув ва ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қўлланиладиган функция; у ташкилот раҳбариятига жамоатчилик фикридан ўз вақтида хабардор бўлиш ва унга таъсир кўрсата билиш учун имкон яратади.

Шунингдек, Пи-Ар жамоатчилик фикрини башорат қилади, бўлажак ўзгаришларга ташкилотни тайёрлайди.

Табиийки, ташкилот дегани бу шартли тушунча. Унинг ўрнида ҳукумат, сиёсий партия, ҳатто бирор бир шахс ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Пи-Ар мутахассисларининг фикрича, Паблик Рилейшнз атамаси илк бор АҚШда пайдо бўлган. Мазкур атаманинг муаллифи АҚШнинг учинчи президенти Томас Жефферсондир. У 1807 йилда ўзининг «Конгрессга еттинчи мурожаат»ида илк бор айни атамани қўллаган.

Умуман олганда, АҚШда Пи-Арнинг пайдо бўлиши бевосита сиёсий жараёнлар маҳсули эди. Хусусан, XVIII асрнинг 70-80 йилларида АҚШда сиёсий Пи-Ар шитоб билан ривожланган. Илк сиёсий Пи-Ар ҳаракатлари мустақиллик курашчилари А.Гамильтон, Т.Жэфферсон, Б.Франклин томонидан амалга оширилган. Бу акцияларнинг барчаси колониал Англияга қарши кайфиятни ўзида мужассам этган эди.

XIX асрдан Пи-Ар технологияси бошқа соҳаларда ҳам қўлланила бошланган. Масалан, XIX аср охирларида АҚШда тадбиркорлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун журналистлар ва ҳукуматга қарши Пи-Ар кампанияларини уюштирган эди.

XX асрнинг бошларида дастлабки Пи-Ар муассасалари пайдо бўла бошлади. 1900 йил АҚШнинг Бостон шаҳрида очилган «Паблисити бюро»сини бунга мисол қилиш мумкин.

Мутахассислар Пи-Ар тарихини аксарият ҳолларда XIX асрга тақашса-да, ўрта асрларда ва ундан олдинги даврлар ижтимоий-сиёсий ҳаётидан ҳам Пи-Ар намуналарини топиш қийин эмас. Зотан, омма эътиборини тортиш ва уни муайян бир томонга йўналтириш йўлидаги ҳар қандай саъй-ҳаракат биз бугунги кунда Пи-Ар деб атаётган амалнинг айни ўзидир. Демакки, қадим замонларда подшоларнинг жарчилари, ё бўлмаса ҳотамтойлару Насриддин афандилар ҳам маълум маънода Пи-Ар агентлари вазифасини бажаришган. Агарки бугун олими замонлар «Ҳолливуд» маҳсулотларини недир маънода, Пи-Ар сифатида баҳолашаётган экан, эҳтимол, «Минг бир кеча» ёзиқлари ҳам бундай тавсифдан узоқ эмасдир.

Буюк муаллим — тарих бизга бу борада кўплаб ибратли мисолларни ҳавола этади: ўтмиш саҳнидаги қудратли салтанатлардан бири - Рим империясида ҳам жамоатчилик фикри илоҳий куч сифатида эътироф этилган. Римликларнинг «vox populi — vox die», (омма овози — худонинг овози) деган машҳур ибораси ҳам айни ўша даврларга хосдир.

Бугунги кунда Пи-Ар хизмати дунёнинг барча мамлакатларида муҳим ижтимоий-сиёсий институт сифатида эътироф этилган. Россиялик таниқли пиаршунос олимлар — Александр Чумиков ҳамда Михаил Бочаров қаламига мансуб «Жамоатчилик билан алоқалар. Назария ва амалиёт». (Москва, 2003 йил, «Дело» нашриёти) китобида келтирилишича, айни вақтда биргина АҚШда Пи-Ар маслаҳат-хизмати кўрсатадиган беш мингдан ошиқ фирма мавжуд. Улардан айримларининг йиллик даромади бир неча юз миллион долларни ташкил этади. Яъниким, бугунги кунда Пи-Ар фақат ижтимоий-сиёсий қурол эмас, балки йирик капитал манбаи ва улкан бизнесдир.

Паблик Рилейшнз доирасида пайдо бўлган қатор тушунчалар борки, уларнинг айримлари сиёсий жараёнларга бениҳоя кучли таъсир кўрсатади. Масалан, «Спин» ва «Лоббизм» шундай амаллар сирасига киради. Спин сўзининг инглизчадан луғавий таржимаси «тўқиш» деган маънони англатади. Бу усул турли сиёсий кучлар томонидан фақат «тўқиб чиқарилган» ахборотларни оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш ва одамлар фикрига таъсир кўрсатиш амалидир. Ахборотни бошқариш, ахборот урушларини амалга оширишда спин амалининг ўрни катта.

Лоббизм усули ҳам ўзига хос. Кўпчиликка яхши маълумки, лобби сўзининг синоними коридордир. Коридор маъносини англатувчи бир сўзнинг ижтимоий-сиёсий қуролга айланиш тарихи шундан иборатки, XVII асрда Буюк Британия парламенти вакиллари танаффус учун ёки овоз бериш учун лоббига чиқишган. Кейинчалик эса лобби парламент аъзоларини маълум бир қонун учун овоз бериш ёки бермасликка ундовчи кунда-шундаларнинг «ишхонаси»га айланган. Бундай касларни ўшанда лоббистлар деб аташган. XIX асрда АҚШда лоббизм тушунчаси конгресс лоббисида «овоз сотиб олиш» амалини англата бошлади. Муайян бир сиёсий мақсад йўлида уюшган тарзда ҳаракат қилиш - лоббизм амали шу тариқа пайдо бўлди.

Бугун дунё оммавий ахборот воситаларидаги ахборотлар йўриғини белгилашда Пи-Ар хизматларининг таъсири катта. Шу боисдан ҳам холис ва нохолис ахборотни фарқлаш юмуши баъзан мушкул кечади. Бугун ҳатто демократия гуллаб яшнаган давлатларда ҳам ахборот оқими Пи-Ар дарғалари томонидан шундай усталик ила бошқариладики, натижада муайян давлатлар ёки кучлар манфаатлари ахборот қобиғи ичида ҳимоя топади.

Шу хусусда гап кетганда, бир қизиқ мисол ёдга тушади. Адашмасам, бу ҳақда англиялик таниқли журналист Филипп Найтли ўзининг «Биринчи қурбон» номли китобида ёзган эди. Шимолий Атлантика блоки генералларидан бири НАТОнинг 1999 йил Косоводаги операциялари мавзуи оммавий ахборот воситаларида қандай ёритилганини шарҳлаб шундай деган: «НАТО ҳарбий операцияларга қандай тадорик кўрган бўлса, журналистлар билан ишлашга ҳам шундай тайёрланди».

Умуман, ОАВга ахборот узатиши керак бўлган Пи-Ар мутахассиси учун олтин қоида шуки, «make story and make sense». Бу иборани тўғридан-тўғри «мақола ёз ва у мантиқли бўлсин» деб таржима қилиш мумкин. Аммо, масалага бироз ижодий ёндошилса, унинг таржимаси тахминан шундай жаранглайди: ҳақиқатни бузсанг ҳам мантиқни бузма. Хуллас, Пи-Ар механизми дастлаб ижтимоий-сиёсий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун ишлатилган.

Дунёнинг барча мамлакатларида, деярли ҳамма йирик ташкилот, фирма ва компанияларнинг ўз Пи-Ар хизматлари мавжуд. Яна АҚШ мисолида қарасак, мамлакатда 250 мингдан ошиқ рекламачи ҳамда тахминан 130 минг нафар журналист Пи-Ар функциясини бажаради. Айни вақтда мамлакатда икки юздан ошиқ университет ва коллежлар Пи-Ар мутахассисларини тайёрламоқда.

Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади. Ўзбекистонда ҳам Пи-Ар бўйича ўқув муассасаси ташкил этилса фойдадан холи бўлмас эди. Негаки, ахборот асри деб аталган замонамизда ахборот дегани миллий манфаатлар ҳимояси йўлидаги бош омиллардан бирига айланди. Ахборот ортида доимо қандайдир бир манфаат яширин. Ахборот ортидаги манфаат бу Пи-Ар демакдир.

**Фарҳод АРЗИЕВ,**
**«Жаҳон» АА шарҳловчиси.**

# ОЛАМ НАФАСИ

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

### Гиёҳванд моддалар йўқ қилинди

***АҚШ, Британия ва Колумбия полиция кучларининг ҳамкорлиги натижасида Кариб денгизида сузиб кетаётган номаълум кемага ортилган 2 тонна гиёҳванд модда йўқ қилинди.***

***Британия қироллигининг «Манчестер» ҳарбий кемаси гиёҳванд модда ортилган бу кемани қувлаб ета олмаган. Жиноятчилар қочаётиб, 1 тоннадан ортиқ қора дорини сувга ташлаб юборишган ва Колумбия ҳудудига ўтиб, кўздан ғойиб бўлишган. Орадан бир оз вақт ўтгач, Колумбия хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан кема топилди. Унда яна бир тонна қорадори бор эканлиги аниқланди. Лекин бу пайтда жиноятчилар кемани ташлаб кетиб бўлишган эди.***

### «Миллий ҳаракат» блоки биринчи ўринда

***Дастлабки маълумотларга қараганда, Грузияда бўлиб ўтган парламент сайловларида собиқ адлия вазири Михаил Саакашвили бошчилик қилаётган «Миллий ҳаракат» блоки ғолибликни қўлга киритди. Блок сайловчиларнинг 20,8 фоиз овозини олишга муваффақ бўлди. Сайловларда 12,9 фоиз овоз тўплаган «Янги Грузия учун» ҳукумат блоки иккинчи ва 12,8 фоиз овоз тўплаган Лейбористлар партияси учинчи ўринни эгаллади.***



### Почта хизмати ходимлари талаби

***Британияда мамлакат почта хизмати ходимларининг норозилик намойиши давом этмоқда. Почта касаба уюшмаси ишчиларнинг ойлик маошлари оширилиши ва меҳнат шароитлари яхшиланишини талаб қилмоқда.***



***Почта касаба уюшмаси ва Royal Mail компанияси ўртасидаги тортишувлар икки йилдан бери давом этаяпти. Бироқ бу сафарги намойишлар жиддий тус олган. Мутахассисларнинг фикрича, бунинг оқибатида Рождество байрами қувончлари почта можаросига айланиб кетиши мумкин.***

### Ҳисобот кўриб чиқилди

***Европа парламенти депутатлари Еврокомиссияда амалга оширилган молиявий жиноятлар борасидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар.***



***Депутатларнинг сўзларига қараганда, маблағларни бошқа мақсадларга ишлатилиб юборилиши, улар ўйлаганча, камдан-кам рўй берадиган ҳодиса эмас экан.***

***Еврокомиссиянинг ҳисобот бўлими – Евростат жанжалнинг асосий сабабчиси бўлди. Европарламент аъзоларининг маълумот беришича, буюртирилган кўпгина хизматлар умуман керак бўлмаган. Давлат хизматчилари эса ушбу буюртмаларни ўзлаштириб, маблағларни ўз ҳисобларига ўтказишган.***

### Навбатдан ташқари сессия

***Литва парламенти кеча навбатдан ташқари сессияга йиғилди. Бундан мақсад, мамлакат президенти маъмуриятини халқаро жиноий гуруҳлар билан алоқадорликда айбловчи ҳисоботни кўриб чиқиш эди.***

***Махсус хизматлар ҳисоботининг бир қисми маҳаллий матбуот саҳифаларида эълон қилинди. Бу эса жиддий текширувлар ўтказишга олиб келди.***

***Литва президенти Рональдас Паксас унга қўйилаётган қуроллар контрабандаси ва пул ўзлаштириш каби жиноятларни қатъиян рад қилмоқда. Мамлакат Бош вазири Альгирдас Бразаускас эса ҳисоботда президент номи тилга олинмаганлигини қайд этди.***

### Бохорокда сув тошқини

***Индонезиянинг Суматра оролида жойлашган машҳур дам олиш масканларидан бирида юз берган сув тошқини оқибатида 66 киши ҳаётдан кўз юмди. Ҳалок бўлганларнинг 5 нафари чет эл фуқароси эди. Яна ўнлаб одамлар дараксиз йўқолган.***



***Шаҳарча бошлиғи Лангкат Суямсул Арифин сўзларига қараганда, бир неча кундан бери тўхтовсиз ёғаётган ёмғир ва ўрмонларнинг ноқонуний кесиб юборилиши Бохорок шаҳарчасидаги тошқинга сабаб бўлган.***

**Хуршид РАУПОВ тайёрлади.**

### «АВД» журнали саҳифаларида

Японияда нашр этиладиган ЮНЕСКО тасарруфидаги “АВД” журналининг навбатдаги сони муштарийлар қўлига тегди. Токио шаҳрида чоп этилиб, дунёнинг 25 дан ортиқ давлатига тарқалаётган ушбу журнал саҳифаларида янги китоблар ҳақида ҳам маълумотлар бериб борилади.

Журналнинг мазкур сонида таниқли ёзувчи Дадахон Нурий қаламига мансуб “Бойсун жунглиларидан Канди ўрмонларигача” деб номланган китоби тўғрисида “АВД”нинг Ўзбекистондаги мухбири Гулчеҳра Саъдуллаеванинг мақоласи эълон қилинган.

“АВД” журнали таҳририяти бундан кейин ҳам ўзбек ёзувчи ва шоирларининг энг сара асарлари билан жаҳон китобхонларини таништириб боришни режалаштирган.

**Жавлон РАЗЗОҚОВ,**
**Тошкент шарқшунослик институти талабаси**


# «АВИАБАНК» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ

## ЭМИССИЯ РИСОЛАСИ

**ЭМИССИЯ РИСОЛАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН 2003 ЙИЛ 24 ОКТЯБРДА РО 136-5 РАҚАМ БИЛАН РЎЙХАТГА ОЛИНГАН.**

Тўлиқ ва қисқартирилган номи: «Авиабанк» акциядорлик-тижорат банки, АТБ «Авиабанк».

СССР давлат банки томонидан 1989 йил 15 сентябрда 169-рақам билан ёпиқ турдаги жамият — «Ўзавиабанк» сифатида рўйхатга олинган, Ўз ССР Марказий банки томонидан 1990 йил 30 декабрда 11-рақам билан қайта рўйхатга олинган. АТБ «Ўзавиабанк» номи АТБ «Авиабанк» деб ўзгартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1997 йил 26 февралда 56-рақам билан қайта рўйхатга олинган. Охирги марта банк устав капитали 2,5 млрд. сўмга оширилиши муносабати билан 2003 йил 14 августда 56-4 рақам билан рўйхатга олинган.

Банкнинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, 700015, Тошкент ш., Нукус кўчаси, 86-а уй. Тел.: 54-98-98, 54-75-75, факс: 54-79-53, телекс: 116364 CHEK SU.

Банкнинг муассислари

Акциядорлар сони — 260, шу жумладан, юридик шахслар — 48.

### ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР НАШРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

**Қимматли қоғозлар ҳақида умумий маълумот**

а) чиқарилаётган қимматли қоғозлар тури — акциялар. Банк Ўзбекистон Республикасидаги юридик ва жисмоний шахслар орасида тарқатиладиган номи ёзилган оддий ва имтиёзли акциялар чиқармоқда;

б) қўшимча чиқарилаётган акцияларнинг (номинал қиймати бўйича) умумий ҳажми — 800.000.000 (саккиз юз миллион) сўм;

в) чиқарилаётган қимматли қоғозлар сони — 1.600.000 дона, шу жумладан, эгасининг номи ёзилган оддий акциялар:

- *чиқарилажак акциялар умумий ҳажми — 720.000.000 (етти юз йигирма миллион) сўмни ташкил қилади;*
- *акциялар сони — 1.440.000 (бир миллион тўрт юз қирқ минг) дона;*

*эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар:*

- *чиқарилажак акциялар умумий ҳажми — 80.000.000 (саксон миллион) сўм;*
- *акциялар сони — 160.000 (бир юз олтмиш минг) дона;*

г) бир акциянинг номинал қиймати — 500 (беш юз) сўм;

д) ушбу қимммbelieved қоғозлар турининг тартиб рақами — 5.

**Банкнинг бошқарув органлари:**

- *акциядорлар умумий йиғилиши;*
- *банк кенгаши;*
- *банк бошқаруви.*

АТБ «Авиабанк»нинг юқори бошқарув органи акциядорлар умумий йиқилиши бўлиб, у банк фаолиятига доир ҳамма масалаларни ҳал қилишга ҳақли. Акциядорлар йиғилишлари ўртасидаги даврда юқори бошқарув органи банк кенгашидир. Банк кенгаши 7 кишидан иборат. Банк бошқаруви 3 кишидан иборат.

### ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор банк акциядорларининг 2003 йил 30 июндаги умумий акциядорлар йиғилишида қабул қилинган. Қимматли қоғозларни тарқатиш жараёни, ушбу эмиссия рисоласи ЎзР ДМҚ ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказида рўйхатга олинган кундан бошланади. Қимматли қоғозларни тарқатиш жараёни қимматли қоғозларни тарқатиш бошланган санадан бир йил ўтгач тугайди.

Бўлажак харидорлар акцияларни сотиб олишлари (акцияларга обуна бўлишлари) мумкин бўлган жой — Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Нукус кўчаси, 86-А уй, АТБ «Авиабанк».

Акцияларни чиқариш шакли — нақд ҳолда, оддий ёки имтиёзли акцияларга эгалик қилиш сертификати берилади.

Банк акциядорлар реестрини мустақил юритади.

### ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЧИҚАРИШНИНГ НАРХ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ШАРТЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Қимматли қоғзларни сотиш баҳоси — банк акцияларни 500 (беш юз) сўм номинал қийматида сотади.

Сотиб олинаётган қимматли қоғозлар ҳақини тўлаш тартиби — акциялар инвесторларга олди-сотди битимини тузиш йўли билан сотилиб, обуна варағи (шартнома) расмийлаштирилади.

Жисмоний шахслар акциялар ҳақини нақд пул маблағларини банк кассасига топшириш йўли билан тўлайдилар.

Чет эл валютаси билан, моддий ва номоддий активлар билан ва сўмдаги пулдан бошқа шаклларда хақ тўлашга йўл қўйилмайди.

АТБ «Авиабанк» акциялари воситачи ташкилотларни жалб қилмаган ҳолда тарқатилади.

Қимматли қоғозлар бўйича даромадлар ҳақидаги маълумотлар

*а) оддий акциялар бўйича дивиденд миқдори акциядорлар йиғилиши қарори билан белгиланади, имтиёзли акциялар бўйича дивиденд миқдори камида 20 фоиз қилиб, лекин оддий акциялар бўйича дивидендлар даражасидан 0,5 фоиз юқори қилиб белгиланади;*

*б) дивиденд акциядорлар ўртасида уларга қарашли акциялар сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади;*

*в) тўловлар даврийлиги — оралиқ дивидендлар тўлаш банк кенгаши қарорига мувофиқ ҳар чоракда бир марта амалга оширилади, йиллик дивидендлар — акциядорлар йиғилиши қарорига мувофиқ тўланади;*

*г) акция эгалари бўлган жисмоний шахсларга дивидендлар банк жойлашган ерда нақд пул шаклида, юридик шахсларга — уларни ҳисоб рақамларига пул ўтказиш йўли билан тўланади.*

**АТБ «АВИАБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИ ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛАЁТГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ СОТИБ ОЛИШДА ИМТИЁЗЛИ ҲУҚУҚҚА ЭГА БЎЛАДИЛАР.**

Эмитент ва акцияларни сотиб олиш тартиби тўғрисида батафсил ва қўшимча ахборотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:

***700015, Тошкент ш., Нукус к., 86-А уй. Қимматли қоғозлар бўлими. Телефонлар: (371) 54-98-98, 54-75-75, факс: 54-79-53. АТБ «Авиабанк» бошқа бўлимларга эга эмас.***


## *Маданият оламида*

### Тутанхамон хазинаси Базелга боради



***Фиръавн Тутанхамон хазинаси сўнгги 20 йилда биринчи марта Миср ҳудудидан ташқарига чиқадиган бўлди. Гап шундаки, келгуси йилнинг апрель - сентябрь ойларида Швейцариянинг Базель шаҳрида Тутанхамон дурдоналари кўргазмаси бўлиб ўтади. Кўргазма очилишига ҳали анча вақт бўлса-да, тайёргарлик ишлари аллақачон бошланиб кетган. Швейцария томони кўргазма учун Мисрга 5 миллион доллар тўлайди. Бу маблағ Мисрда янги музей қуришга сарфланади.***

### «Глобус»нинг нусхаси

***Римнинг марказий парки Вилла Боргазеда “Сильвано Тоти” деб номланган театр очилди. У бундан тўрт аср олдин буюк драматург Шекспир асарлари қўйилган “Глобус” театрининг аниқ нусхаси ҳисобланади. Театрга келганлар энди Шекспир даври театрлари ҳақида тасаввурга эга бўлади.***

### Энг қизиққон жуфтлик

***Америка телевидениесининг кўнгилочар кўрсатувлар канали “Энтертейнмент” яқинда томошабинлар ўртасида “Ҳолливуднинг экрандаги энг қизиққон жуфтлиги” сўровини ўтказди. Томошабинлар “Кўз ўнгимиздан ташқарида” фильми бош роллари ижрочилари Женифер Лопес ва Жорж Клунини энг қизиққон жуфтлик деб топишди. Иккинчи ўрин “Гўзал қиз” фильми бош ролларини ижрочилари Жулия Робертс ва Ричард Гирга насиб этди. Сўровда қатнашган муҳандислар “Рим таътиллари” фильмидаги роллари учун Одри Хепберн ва Грегори Пекни учинчи ўринга лозим кўришди.***

### Талаш бўлган танк

***Бир қанча вақтдан буён Польшанинг икки музейи ўзаро “уруш” ҳолатида. Польша армияси музейи ва 1944 йилги Варшава қўзғолони музейи ходимлари битта экспонатга эгалик қилиш учун талашмоқда. Бу экспонат 1944 йилда польшалик ишчилар томонидан тайёрланган “Кобусь” номли танкдир.***

# Тошкентда француз мактаби

Ўзбек-француз дўстлик алоқалари ўзининг азалий тарихига эга. Ушбу алоқаларнинг узвий давоми сифатида бугунги кунда пойтахтимизда француз ассоциацияси томонидан ташкил этилган француз мактаби (AFET) фаолият кўрсатмоқда. Мазкур француз мактаби икки мамлакат ўртасидаги дўстлик алоқаларининг ривожланишига, оз бўлса-да, ўз улушини қўшиб келмоқда. Бу мактаб Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, Франция ҳукуматининг қарорига кўра, дунёнинг қайси мамлакатида француз миссияси бўлса, ўша ерда ташкил этилади.

— Ҳозирда бундай француз мактаби дунёнинг 200 га яқин мамлакатида фаолият олиб бормоқда. Ушбу мактаб Ўзбекистонда 1997 йилда ташкил этилган. Унинг мақсади француз тилини хорижий ва маҳаллий ўқувчиларга чуқур ўргатишга қаратилгандир. Мактабимиз унчалик катта бўлмасада, унда бошланғич, ўрта, коллеж синфлари мавжуд. Бу ерда францу, ўзбек, араб, рус миллатларининг фарзандлари аҳил-дўст бўлиб таълим олмоқдалар. Франциялик ва ўзбекистонлик ўқитувчилар ёшларга барча фанлардан чуқур билим беришга ҳаракат қилмоқдалар. Маҳаллий ўқитувчилардан 4 нафари Францияда ўз педагогик малакаларини ошириб қайтдилар. Бугунги кунда маҳаллий аҳолининг фарзандлари ҳам француз тилини катта қизиқищ билан ўрганишмоқда. Мактабимизда ўзбекистонлик ўқувчиларнинг таълим олишлари учун ҳам Франциянинг Тошкентдаги ваколатхонаси яқиндан ўз молиявий кўмагини бериб келмоқда, — дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Кристоф Плесси.

**Илҳом РАҲМОНОВ.**

